

## 66-22/ПП-сонли ШАРТНОМАСИ

Тармоқ ресурслари ва техник алоқа воситаларини ижарага бериш

Тошкент ш.

“05” 01 2022й.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали, кейинги ўринда “Ижарага берувчи” деб аталувчи номидан, Низом ва 30.12.2021й 27-01-14/6019 -сонли ишончнома асосида иш юритувчи, директори Фаррух Шорухович Рустамов, бир томондан ЎзРес Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, кейинги ўринда “Ижарага олувчи” деб аталувчи номидан, Толочиев асосида иш юритувчи, Директор Толочиев О.А., иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижарага берувчи” “Ижарага олувчи”га фойдаланиш мақсадида “ТШТТ” филиалининг алоқа воситалари, телефон станциялари ва алоқа марказларидаги коммутация пунктлари (портлари) орқали тўғридан-тўғри симлар, Томонларнинг жавобгарлик чегараларига (зоналарига) мувофиқ тақдим этилади.

ЎзРес Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказига ўзгарувчан мультиплексер (СГМ) орқали ЭАТС-239-277 1 дона, 239-245 2 дона, жами 3 дона тўғридан-тўғри симлар тақдим этилади.

1.2. Ижарага олинган тўғридан-тўғри симлар ўзаро келишувга мувофиқ “Ижарага олувчи”га тақдим этилган (бириктирилган) коммутация пунктларига етказиб берилади.

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

2.1. “Ижарага олувчи” “ТШТТ” филиалининг 20210000604074838051 х/рга

- Ўзгарувчан мультиплексер(СГМ) орқали битта тўғридан-тўғри симни ижарага олиш нархи тариф бўйича: 41 964,00 сўмни ташкил этади. Ижарага олувчи томонидан уч дона тўғридан-тўғри симни ижарага олиш учун тариф бўйича ҚҚСни инобатга олган ҳолда ҳар ойда 125 892,00 сўм тўлов амалга оширилади.

2.2. Шартноманинг умумий миқдори 1510704 (оуач шилшоқ  
метров десевъ тчез сивьсб кедуре) сўм ташкил этади.

2.3. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга кўра, хизматлар учун тўлов (тўғридан-тўғри симни ижарага бериш) шартнома тўлов топшириқномаси (тўлов-сўровномаси, ҳисоб-фактура ва ҳисобларга кўра) асосида акцептлаш тартиби ёки тўлов топшириқномаси бўйича банк пул ўтказмаси орқали амалга оширилади.

2.4. Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК фармонлари ва қарорларига мувофиқ тарифлар ва ҳисоб-китоблар ўзгарганда, шунингдек энергия ташувчилар, коммунал хизматлар, ёқилғи-мойлаш материаллари нархлари ўзгарганда “Ижарага олувчи” “Ижарага берувчи”га янги тарифлар чиққан пайтдан бошлаб, тўловларни амалга оширади, қўшимча келишув имзолаш йўли билан.

2.5. “ТШТТ” филиали ва ЎзРес Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига асосан “Ижарага олувчи” кўрсатиладиган хизматлар учун, ойлик 100% миқдордаги олдиндан тўловни, ҳисоб ойининг 10-санасига қадар амалга оширади.

2.7. Ўзаро даъволар ва санкцияларнинг мавжудлиги кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширмасликка асос бўлмайди ҳамда ўзаро келишувсиз хизматларни кўрсатиш тўхтатилмайди.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Ижарага берувчи:

3.1.1 Белгиланган тартибда, техник имкониятларга асосланиб, **уч дона тўғридан-тўғри симларни** техник стандартларга ва келишилган шартларга мувофиқ равишда ажратиб берилишини ва рўйхатдан ўтказилишини, Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига мувофиқ жавобгарлик чегарасида яъни ЭАТС-239-277 1 дона, ЭАТС-239-245 2 дона, жами 3 дона тўғридан-тўғри симларга техник хизмат кўрсатишни таъминлашни;

3.1.2 Жавобгарлик доирасида ижарага берилган алоқа воситаларини сифатини таъминлашни;

3.1.3 Фавқулодда вазиятлар ва авария ҳолати ўзи томондан юз берганда авария ҳолатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш учун зарур чораларни кўришни ўз зиммасига олади.

#### 3.2 Ижарага олувчи:

3.2.1 **Уч дона тўғридан-тўғри симларни** ишлашни таъминлаш учун ташкилий ва техник шартларни бажарилишини;

3.2.2 Ойлик тўловларни 125-1/7-сонли (Прейскурант) нархлар рўйхати тарифларига бўйича амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари вазирлигининг техник стандартларига шунингдек, ўзаро келишилган шартларга мувофиқ, ижарага олинган алоқа воситаларининг техник эксплуатациясини амалга оширишни;

3.2.3 Ўзининг алоқа воситаларида фавқулодда вазиятлар ва авария ҳолати юз берганда авария ҳолатини бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш учун зарур чораларни кўришни;

3.2.4 Жавобгарлик чегарасида ижарага олинган алоқа воситаларининг сифати учун жавобгарликни (ПДС- 20x20 бошқарув панели);

3.2.5 Станциялараро тўғридан-тўғри симларни уланишида авариявий ҳолат юз берганда 71 268-58-58, 71 267-04-25 телефон рақамларига маълум қилинишини таъминлашни зиммасига олади.

### 4.ФОРС - МАЖОР

4.1 Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хоҳиш, эҳтиёж ва иродасига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлари жумладан: табиий офатлар, ёнғин, zilзила, сув тошқини ва табиатнинг табиий кучларининг бошқа ҳаракатлари шунингдек алоқа кабелларини ўғирланиши, давлат ҳокимиятининг ҳаракатлари алоқа ушбу ҳолатлар Шартнома имзоланганидан кейин пайдо бўлган бўлса ва уларни бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

4.2 Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса ва мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаса ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни дарҳол хабардор қилиши шарт. Форс-мажор ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида яъни **15 кун** ичида бошқа томонни огоҳлантирмаслик, келгусида огоҳлантирилмаган тарафга мурожаат қилиш ҳуқуқи, мажбуриятларни бажариш имкони бўлганда қайтадан бажариш ҳуқуқи маҳрум қилади.



## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартноманинг 3-бандига асосан Ижарага олувчи тўловларни кечиктирган тақдирда кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридан лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50% кўп бўлмаган миқдорда ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди.

5.2. “ТШТТ” филиалида сақланаётган Томонларнинг ускуналарида Ижарага берувчининг айби билан етказилган зарарни бартараф этиш бўйича назорат вақтидан (икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан тузилган) ортиқ вақт давомида вақтинча уланиш йўллари маълум қилмаганлик ва тегишли ускуналар алмаштирилмаган тақдирда Ижарага берувчи томонидан ойлик тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади ва мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми ҳисобига 0,5% миқдоридан лекин кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50% кўп бўлмаган миқдоридан пеня тўланади (солиштириш далолатномаси асосида (акт сверка)).

5.3. Томонлар ўртасидаги музокаралар натижасида юзага келадиган келишмовчиликларни ижобий ҳал қилиш учун Томонлар келишув қоидаларидан фойдаланадилар.

5.4. Ушбу келишув бўйича келиб чиқадиган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

5.5. Юридик манзил ёки банк реквизитлари ўзгартирилганда, Томонлар ушбу реквизитлар ўзгартирилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай бир-бирларини хабардор қилишади.

5.6. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

5.7. Белгиланган тартибда тузилган ушбу шартномага қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.8. Ушбу шартномада акс эттирилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

## 6. МАХСУС ШАРТЛАР

6.1. Томонлар қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишади:

- Ахборот ҳавфсизлиги,
- Телекоммуникация иншоотларига кириш-чиқиш режими мавжудлиги,
- алоқа тармоқларида ишлаб чиқариш қоидалари ва тартибларига риоя қилиш,
- ёнгин хавфсизлиги,
- техника хавфсизлиги,
- тезкор-қидирув фаолияти

6.2. Томонлар мазкур Шартнома шартларининг бузилиши туфайли юзага келган зарарни, бошқа Томонга қоплашади, аммо йўқотилган фойдани эмас.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатга олинган санадан 2022 йил «05» 01 дан кучга киради ва 2022 йил 31.12 га қадар амал қилади.

7.2. Мазкур шартномага, янги қабул қилинган ва юқори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Томонлар таклифи ва ижарага олинган ускуна орасидаги масофаларни ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ёзма келишув (баённома) ёки шартномага киритилган илова шаклида, Томонлар вакиллари имзолари билан тасдиқланган ҳолатда ҳақиқий ҳисобланади.

7.4. Мазкур шартнома қуйидаги шароитларда бекор қилинади:

- томонлар келишувига кўра,
- бир томонлама, бошқа Томон шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ҳолатда,
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.5. Мазкур Шартнома икки асл нусхада, ҳар бир Томон учун, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

## 8. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ўзбектелеком” АК  
“ТШТТ” филиали

ЎзРес Президенти Администрацияси  
хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар  
ва ислохотлар маркази

Тошкент ш., 100084  
Кичик халка йули, 2А-уй :  
Х/р 2021 0000 6040 7483 8051  
АТ Алоқабанк Амалиёт бошқармаси  
Банк коди: 00401, СТИР: 203 366 731  
АОФТ коди (ОКЭД): 61100  
Тел: 71-234-64-39, факс:71-232-15-15

Центр экономических исследований и реформ при  
Администрации Президента Республики Узбекистан  
г. Ташкент, Чиланзарский р-н, ул. Новаза, 6  
Л/с: 100010860262947048110066001БЮДЖ  
Л/с: 400110860262947048110066001  
ИНН: 202 922 278 ОКЭД: 72190 МФО: 00014  
ОПЕР. Управ. Казначейства МФ РУз  
КС: 2340 2000 3001 0000 1010  
ИНН: 201 122 919 РКЦ Глав.Упр.Центр. Банка РУз

Директор

Ф.Ш.Рустамов



ЦЕНТР ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И РЕФОРМ  
ПРИ АДМИНИСТРАЦИИ  
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
Проект договора (соглашения), мера ответственности  
сторон по договору (соглашению) соответствует  
требованиям Гражданского кодекса, закона Республики  
Узбекистан "О договоре правовой ответственности  
хозяйствующих субъектов"  
Юрисконсульт